



# Ўзбекистон Республикаси Президенти ҚАРОРИ ЛОЙИХАСИ

“Коррупцияга қарши курашибиш фаолиятини  
самарали ташкил этишга доир қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида

## **ҚАРОРНИНГ МАҚСАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш  
муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида  
коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва  
бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда  
коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-  
тадбирларнинг амалга оширилишини самарали  
ташкил этиш тизимини жорий этишдан иборат.

# **2021 йил 1 сентябрдан:**

• Қарорга кўра, 2021 йил 1 сентябрдан:

• давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда ишга қабул қилишни **очиқ танлов** асосида амалга ошириш тартиби жорий этилади.

## **2021 йил 1 октябрдан:**

- Барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилади.
- Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиб агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.



## **2021 йил 1 августдан:**

• давлат харидлари соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказилаётган тендер (танлов)ларнинг натижаларини мажбурий тарзда очик эълон қилиш амалиёти жорий этилади.

# Қурилиш вазирлиги

## **2021 йил 1 октябргача:**

- Бюджет ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари маблағлари ҳисобидан қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган танловлар (тендерлар)ни “Шаффофф қурилиш” миллий ахборот тизимининг маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари **бўйича маҳсус ахборот порталида электрон тарзда амалга ошириш амалиётини йўлга қўйилади.**

Транспорт вазирлиги  
манфаатдор вазирлик ва идоралар  
билин биргаликда йўл қурилиши ва  
эксплуатацияси соҳасига  
шаффоффлик стандартларини жорий  
қилиш мақсадида **2022** йил **1**  
**январга қадар** автомобиль  
йўллари соҳасига тегишли  
маълумотларни ўз ичига оладиган  
**“SHAFFOF YO'L”** онлайн ахборот  
платформасини ишга туширилади.



---

**Эътиборингиз учун  
раҳмат!**

